

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ ЖОЗИБАСИНИ ТИКЛАШ - МАДАНИЙ МЕРОС ТАРБИЯВИЙ ҚУДРАТИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ

**Ўзбек тилига давлат тили мақомини берилган-
лигини 26 йиллиги муносабати билан**

Тоҳир ҚУРБОНОВ

**Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-
риш институти “Ижтимоий-иқтисодий фанлар”
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди**

Мафтуна ҲАМДАМОВА

**Тошкент давлат жаҳон тиллари университети
2-курс талабаси**

Маданий мероснинг тарбиявий қудрати, хусусан, унинг ворислиги, аждодлар тўплаган тарихий тажрибани авлодларга етказиши она тили жозибаси билан боғлиқ. Шунинг учун Совет ҳокимияти йилларида оёқ ости қилинган ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш мамлакатимизда бунёд этилаётган инсонпарвар, демократик жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Маълумки, Совет ҳокимияти йилларида миллий тиллар, хусусан, ўзбек тили камситилди. Ўзбек тилининг ижтимоий функциялари узлуксиз торайиб борди. Оқибатда ўзбек тилида сўзлашган аҳоли ўзи туғилиб ўсган мамлакатнинг бошқарув идораларига ўз она тилида ариза ёки шикоят билан мурожаат этишга журъат эта олмади. Ўзбек тилида иш юритиш йилдан-йилга заифлашиб бораверди. Бундай ҳолат Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган «руслаштириш» сиёсатининг ҳосиласи эди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш учун реал имконият вужудга келди. Тилнинг луғат таркибини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. Унинг ўзига хос хусусиятлари яъни миллий жозибаси мамлакат матбуоти саҳифаларида чоп этилаётган материалларда, радио ва телеведение эшиттиришларида, давра суҳбатларида, баҳс-мунозараларда, шоирларимиз шеърларида, ёзувчилари-

миз, олимларимиз асарларида, санъаткорларимизнинг ашулаю музыкаларида яққолроқ намоён бўла бошлади. Ўзбек тили миллий Парламентимиз минбарларидан, илмий-оммавий анжуманлардан баралла эшитилмоқда. У жамоат жойларида ҳам ўз ўрнини кенгайтди. Мамлакат таълим тизимида, хусусан, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўзбек тилини ўрганишга эътибор тубдан ўзгарди. Бир қатор олий ўқув юртларида биринчи марта ўзбек тили ва адабиёти кафедралари очилди. Ерли аҳолига мансуб бўлмаган фуқароларга ўзбек тилини ўргатиш борасида анча-мунча ишлар қилинди. Давлат идоралардаги асосий ишлар ўзбек тилида олиб борилаётир. Бир ибора билан айтганда, ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш ва ҳар томонлама ривожлантириш бошланди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан унга бўлган муносабат аста-секин ўзгара бошлади. Лекин жаҳон цивилизацияси, хусусан, фан ва техника тараққиёти туфайли ўзбек тилига кириб келган сўзларни муомаладан чиқариб ташлашга уриниш, унинг ўрнига қадимий арабий, туркий сўзларни ўринлими, ўринсизми ишлатиш ҳолатлари содир бўлди. Бошқача айтганда, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан жаҳон цивилизацияси, ўз навбатида, 130 йилдан ортиқроқ давом этган, аввал чор Россияси, кейин Совет империяси амалдорларининг мустамлакачилик сиёсати туфайли ўзбек тилига кириб келган сўзларга муносабат масаласи кун тартибига қўйилди. Бундай муносабат таъсирида юрган ерли миллатга мансуб бўлмаган айрим фуқаролар ҳамон давлат тилини ўрганишга монъелик қилаётирлар. Ҳозиргача давлат идораларида ўзбек тилида гапиришни, ёзишни билмайдиган кишилар ишлаётганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан. Айрим вазирликлар ҳамон ўз идоравий ҳужжатларини рус тилида юритаётганлари ўзбек тилига берилган давлат мақомига путур етказди.

Аслини олганда, ўз юртимиз, ўз элимиз тилини давлат тили деб эълон қилиш-таажжубли ҳолат эди. Лекин масаланинг туб моҳияти шундаки, мустамлакачилик йилларида синдириб ташланган, уй-рўзғор тили даражасига тушиб қолган ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш, уни

муҳофаза қилиш ҳақида гап борарди. Шунинг учун ҳам қашшоқлашиб қолган ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши йирик ижтимоий-сиёсий воқеа эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унинг мустақилликка эришиш йўлидаги дастлабки қадам эди. Тил тўла мустақил бўлиши, ўзининг миллий жозибасини тўла намоён қилиши учун давлат идоралари тил тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилишини таъминлашлари зарур. Ўзбек халқи эса ўз она тилининг давлат тили бўлишини қандай сўраган, талаб қилган бўлса, унинг бажарилишини, миллий жозибасини яққолроқ намоён қилишини назорат қилиши лозим. Мамлакатда ўзбек тилининг миллий жозибасини намоён қиладиган тил психологияси вужудга келмоғи керак. Тил психологиясининг асосий мақсади ҳар бир фуқарода ўз юртида ўз она тилида гапириш билан завқланиш, фахрланиш тўғрисида шакллантиришга қаратилмоғи даркор. Акс ҳолда ўзбек тилининг миллий жозибаси намоён бўлмайди.

Ўзбек тили жозибасини тиклашнинг энг муҳим йўли унинг софлиги, мусаффолигини таъминлашдир. Фуқароларда ўз она тилида соф гапириш, нутқ сўзлаш, равон ёзиш маданиятини шакллантиришдир. Чунки, ҳеч кимга сир эмас, мустабид тузум шароитида, «ягона тил вужудга келтирамиз», деган байроқ остида миллий тилларнинг софлигига путур етказилди. Миллий тилларнинг софлиги ҳақидаги муаммо бутунлай салбий маънода талқин қилинди. Бизнинг фикримизча тилнинг софлиги ҳақида гапирганда, унинг икки қутби бор эканлигини унутмаслик даркор. Тилнинг софлигини таъминлашнинг ижобий томонида оғзаки ва ёзма нутқда кўпроқ миллий тилнинг сўз ва атамаларидан оқилона, унумли фойдалана билиш, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилаётганда бошқа тиллардаги ибораларни қўлламаслик, миллий тилнинг илмий, адабий, тарихий анъаналарига риоя қилиш малакалари ётса, салбий томонида бошқа тиллардаги сўз ва ибораларнинг кириб келишига, фуқароларнинг ўша сўзларни ўзлаштириб олишига, уларни қўллашига қарши туриш кайфиятлари, тенденциялари ётади.

Канадалик олим Ж.Томос тил софлиги муаммолари билан шуғулланувчи алоҳида назария яратишга киришади. Тил софлиги муаммоларига бағишланган ўзининг пюристик назариясида, унинг фақат ижобий томонларини тушунтиришга эътиборни қаратади¹. Тил софлиги муаммоларининг салбий томонлари ҳақида эса лом-мим демайди. Характерли томони шундаки, Ж.Томоснинг фикрига кўра, Совет ҳокимияти йилларида туркизм ўрнига русизмнинг қабул қилиниши, туркий тиллар ёзувининг кириллицага ўзгартирилиши ўзбек тили софлигини бузган.

Ҳар бир миллат ўз она тилининг соф бўлишини исташи тарихий ҳақиқатдир. Лекин фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган, унинг ютуқлари фуқаролар турмуш тарзига кириб бораётган ҳозирги замон шароитида миллий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг софлигига эришиш мумкин эмас. Жаҳонда ҳеч бир тил ўзининг миллий хусусиятлари, сўз, ибора ва атамалари билан чегараланиб қолмайди. Аксинча, жаҳон цивилизацияси, хусусан фан ва техника тараққиёти туфайли муомалага кириб келган янги сўзлар, иборалар билан бойиб боради. Чунончи, бугун жаҳондаги барча кишилар нутқ маданиятига ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти туфайли кириб келган, байналминал аҳамиятга эга бўлган компьютер, электрон парапсихология, молекуляр физика, органик кимё, пластика, фонология каби қатор атамаларнинг она тилимизга кириб келиши фикримизнинг исботидир. Бу сўзларнинг ўрнини босадиган, уни алмаштирадиган сўзлар ёки иборалар ўзбек тилида йўқлиги ҳаммага аён. Худди шунинг учун ҳам, ўзбек тилининг софлигини таъминлаш, софлигини тиклаш зарур деган хулосадан миллий тилдаги қадимий сўзлар, ибораларни тиклаш, уларни муомалага кўпроқ қўллаш зарур, деган фикр келиб чиқмаслиги зарур. Эски атамалардан ўз ўрнида оқилона фойдаланиш даркор, деб тушунмоқ лозим. Ҳар бир сўз, ҳар бир иборани ишлатганда у муомалага киритилган тарихий даврни шарт-шароитни инобатга олиш мақсадга

¹ Абдуазизов А. Тилимиз истиқболи. // Мулоқот.- 1999.- Б.25.

мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, тилининг софлиги нисбий тушунча бўлиб, уни бутунлай амалга ошириш мумкин эмас.

Ўзбек тилининг софлигини таъминлаш ўта нозик муаммо. Бу борада кўз кўяман деб қош чиқариш мумкин. Афсуски, ана шундай ҳолатлар кўплаб содир бўлаётир. Айниқса, телевидение ва вақтли матбуот вакиллари томонидан ўзбек тилини сунъий ўйлаб топилган, тожик ва араб тиллари унсурлари ёрдамида ясалган тасқара сўзлар билан булғашларининг чегараси кўринмаётир. Бир неча мисоллар келтирайлик: «даста» деган сўз «ансамбль» атамаси ўрнида ишлатилмоқда («Баҳор» дастасининг раққосаси... ва ҳ.к). Дастанинг бундай маънода ишлатилиши тилни булғашдан бошқа нарса эмас. Чунки даста тожик ва ўзбек тилида «соп», «тутам» деган маънони англатади. («кетмон дастаси», «теша дастаси», «гулдаста» каби бирикмаларни эслаш кифоя)¹.

Совет ҳокимияти йилларида қон-қонимизга сингиб кетган қонунни назар-писанд қилмаслик психологияси ўзбек тилининг софлигини таъминлаш борасидаги ишларимизга ҳалақит бермоқда. Ана шундай кайфият остида ишлаётган республикамизнинг айрим оммавий ахборот воситалари «Тил тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг ҳам имло ва адабий тил меъёрларига риоя қилмаётирлар. Ўзбошимчалик билан янги имло қоидалари кашф этаётирлар. Масалан, баъзи бир журнал ва газеталарда «трактўр», «амриқон», «оврупо» шаклида ёзилган сўзларни кўплаб учратамиз. Бундай ҳолат қонунбузарлик, ўзбек имлоси қоидаларини менсимасликдир.

Ўзбек тили жозибасини тиклашнинг яна бир йўли луғатшунослик ва атамашуносликни ривожлантиришдир. Чунончи, ўзбек тилида луғатшунослик ва атамашуносликни ривожлантирмоқ учун унинг катта изоҳли луғатини, этимологик луғатини, чет тиллардан кириб келган сўзлар луғатини, фан ва техниканинг турли соҳаларига оид мукамал атамалар луғатини, ҳатто

¹ Эркаев А.П. Истиқлол ва тил сиёсати.- Қарши, 1993.- 4 б.

халқимиз саводхонлигини оширишга мўлжалланган турли катта-кичик чўнтак луғатларини тайёрлаш лозим. Бундай улкан ишларни амалга оширмоқ учун қадимий луғатлар, ўрта асрларда тайёрланган икки ва ундан кўп тилларга оид луғатлар, туркий тилларнинг этимологик луғатлари ва хорижда нашр этилган турли луғатлардан фойдаланиш зарур. Бизнинг фикримизча, «Ўзбек тили» журналини ташкил этиш, унда давлат тилининг қўлланилиши ва тилшунослик масалаларига, ҳатто чет эл тилшунослигига, ўзбек тилида янги қўлланилаётган сўз ва ибораларининг ўзига хос хусусиятларига доир масалаларни ёритиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳозиргача ўзбек тили рус тилшунослиги, аниқроғи Совет даври тилшунослигига ўралиб қолган жаҳон тилшунослиги ютуқларидан хабарсиз.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек тилини муҳофаза қилувчи, унинг миллий жозибасини оширувчи қудрат қонун эмас, балки халқнинг ўзидир. Чунки муайян тилда ҳеч ким гапирмай қўйса, у ижтимоий муносабатлар жараёнига татбиқ этилмаса, у ўз жозибасини йўқотади. Чунончи, олим ўз асарида, шоир ўз шеърида, она ўз алласида, ҳофиз ўз кўшиғида қўлламайдиган тил ҳеч қачон ўз миллий жозибасини намоён қила олмайди.

Тилнинг миллий жозибаси моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнида яққол намоён бўлади. Ишлаб чиқариш ўта мураккаб жараён бўлиб, у кўплаб кишиларни уйғун, бир маромда ҳаракат қилишлари учун ўзаро мулоқотда бўлишини тақазо этади.

Шундай қилиб:

- Ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш-маданий мерос тарбиявий қудратини оширишнинг муҳим воситасидир. Маданий мерос тарбиявий қудратининг ошиши билан аждодларимиз маданияти авлодлар билан боғланади. Ана шу ворисликнинг кучайиб бориши ёшларда маданий мерос билан фахрланиш туйғусини шакллантиради. Натижада йигит ва қизларда миллий ғурурнинг шаклланиш жараёни тезлашади.

- Йигит ва қизларда миллий ғурурни шакллантириш жараёни ўзбек тилининг миллий жозибаси билан диалектик алоқадор. Ўзбек тилининг миллий жозибаси қанча тез тикланса, йигит ва қизларда миллий ғурурнинг шаклланиш жараёни шунча тезлашади. Ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш учун уни муомалага татбиқ этиш имконини берадиган ижтимоий муҳит вужудга келтирилиши лозим. Хусусан, ўзбек тилини унга узоқ вақт ҳукмронлик қилиб келган рус тили зуғумидан қутқармоқ даркор. Бу борада мамлакатимизда чоп этилаётган газета ва журналлар таҳририяти, нашриётлар дирекцияси, радио ва телевидение раҳбарияти яловбардорлик қилмоқлари керак. Лекин бундан рус ва бошқа хорижий тилларни билиш зарур эмас, деган маъно келиб чиқмаслиги лозим.

- Фуқаролар, айниқса ёшлар ўзбек тилини мукамал билишлари, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилишлари учун тил психологиясини шакллантирмоқ лозим. Мамлакатда вужудга келган ижтимоий муҳит тил психологиясининг шаклланишига ҳал қилувчи объектив шарт-шароит вазифасини бажармоғи даркор. Ўзбек тилида гапирганда ундан завқланиш, фахрланиш лозим. Кишиларда ана шундай психология вужудга келса, ана шундай туйғу шаклланса ўзбек тилининг жозибаси яққолроқ намоён бўлади. Ўз навбатида, ўзбек тили миллий ғурурнинг шаклланиши учун буюк қудратга айланади.

- Ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш бошқа тилларнинг, хусусан, туркий, форс-арабий тилларнинг миллий хусусиятларини ўрганиш билан бевосита боғлиқ. Чунки аждодларимиз онги ва фаолиятида, фикрлаш тарзида «ислом динининг тили-араб тили», «мусулмон зиёлиларининг тили-форс тили» деган анъаналарнинг яшаётганлигини унутмаслик лозим. Шунингдек, авлодларимиз яратган маданий мерос рус тили орқали жаҳонга юз тутганини, шу тил орқали жаҳон цивилизациясининг ютуқларидан хабардор бўлганимизни эътироф этмаслик нодонлик бўлур эди. Ўз навбатида, хорижий тилларни ўрганиш она тили ҳисобидан бўлмаслиги зарур. Чунки ўз

она тилини мукаммал билмаган киши ҳеч қачон бошқа тилларни ўргана олмайди.

- Ўзбек тилининг жозибасини янада яққолроқ намоён қилиш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари, услублари ва усуллари излаб топиш, бу борада амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, ўзбек тили бўйича тайёрланаётган илмий-педагогик кадрлар профессионал савиясини ошириш учун Ўзбекистон ФА ҳузуридаги «ўзбек тили институти» амалга оширган илмий-тадқиқот ишларини оммалаштириш учун «Ўзбек тили» журналини ташкил этиш, «Ўзбек тили жамияти» ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Ўзбек тилининг миллий жозибасини ёшлар онги, шуурига сингдириш ишларини оила ва мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаш керак. Чунки уларда миллий урф одатларимиз, мақолларимиз, маталларимиз орқали ўзбек тилининг миллий хусусиятларини намоён қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи даркор.

- Ўзбек тилининг миллий жозибасини тушунишда луғатшуносликнинг аҳамияти беқиёс эканлиги ҳаммага аён. Худди шунинг учун ҳам ўзбек тилининг кўп томлик катта изоҳли луғати, этимологик луғати, чет тиллардан кириб келган сўзлар луғати, фан ва техниканинг турли соҳаларига оид мукаммал атамалар луғатини тайёрлаш, чоп этиш бугуннинг ўта долзарб масалаларидан биридир.

- Мамлакатимизда яшаётган ўзбек миллатига мансуб бўлмаган аҳолининг ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ўзбек тилини ўрганувчилар сонининг кўпайиб бораётганлигини назарда тутиб, «Ўзбек тилини ўргатиш марказини» ташкил этиш зарур.